

**«RBS IMAN TEAM» MASЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

**«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг
2024-йил ижро этувчи органи фаолияти самарадорликнинг муҳим
кўрсаткичларини баҳолаш бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви
юзасидан**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумотлар

I. КИРИШ ҚИСМИ

Аудиторлик ташкилоти ҳақида маълумот:

Аудиторлик ташкилоти номи:	Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «RBS IMAN TEAM» аудиторлик ташкилоти.
Офис манзили:	Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани, Гулшанобод МФЙ, 9-Қурилиш ҳудуди, 7а-уй, 60-хонадон.
Телефон/факс:	(+99893) 300-17-92
Электрон почта:	rbs.audit17@gmail.com
Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида маълумот:	2022 йил 9 ноябрда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2007915-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
Аудиторлик лицензияси:	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 августда 06249-сон билан аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган.
Суғурта полиси:	«Имкон-Суғурта» АЖ № 01-057/0000587-001-сон 05.04.2024 йил
Банк реквизитлари:	Ҳисоб рақам: 20208000405590006001 АКБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бош офиси МФО 00440, СТИР 310006714, ОКЭД 6920
Аудиторлик ташкилоти аудитори:	Умматов Мухаммадамин Ботирбек ўғли Аудитор малака сертификати 05738-сон, 14.10.2021 йил
Аудит текширувини ўтказиш учун асос:	2025 йил 7 мартдаги 3036752-сон шартнома
Шартнома предмети	«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг 2024 йил учун ижро этувчи органи фаолияти самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш нитижаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

Мен, Умматов Мадаминбек, «RBS IMAN TEAM» маъсулияти чекланган жамият аудиторлик ташкилоти аудитори, 2021 йил 14 октябр куни берилган №05738-сонли аудитор малака сертификатида мувофиқ хўжалик юритувчи субъект «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг 2024 йил учун ижро этувчи органи фаолияти самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш натижаларини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Текшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/6-сонли Қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда 3219-сон билан рўйхатга олинган «Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида» ги 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида» ги низом асосида ўтказилди.

Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олиншини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, давлат корхоналари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

Ижро этувчи органи фаолияти самарадорликни баҳолаш мезонлари жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 27 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган низом асосида ишлаб чиқилган. Бунга кўра баҳолаш ишлаб чиқилган мезонга кўра 100 баллик системада баҳоланади.

Кўрсатилаётган хизматининг мақсади 2024 йил учун акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи фаолияти самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК)нинг баҳолаш натижаларини аудиторлик текшируви ўтказиш ва асосланган хулосалар билан ҳисобот тақдим этишдан иборат.

Жамият раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланиб, биз аудиторлик текширувини Халқаро Аудит Стандартлари (ХАС) га мувофиқ ўтказдик.

Жамият раҳбарияти кўрсатилаётган хизматлар учун тақдим этилган маълумотлар учун жавобгардир.

Аудиторнинг вазифаси Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўтказилган аудит текшируви юзасидан ушбу ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдиришни ўз ичига олади.

Аудиторлик ҳисоботини тузиш учун асос бўлган норматив ҳужжатлар

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677 сонли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисида»ги 171-сон қарори, Аудитнинг халқаро стандарти № 805 «Махсус масалалар – айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудити»га мувофиқ ўтказилди.

Аудит жараёнида қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилди.

- Жамиятнинг 2024 йиллик баланс ҳисобот;
- Жамиятнинг 2024 йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- Жамиятнинг 2024 йил учун тузилган бизнес режаси;
- Ички меъёрий ҳужжатлар;
- Бошқа тегишли ҳисоботлар ва маълумотлар.

Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори;
- «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги низоми;
- «Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида»ги низоми;
- Бошқа маълумотлар.

Корхона тўғрисидаги умумий маълумотлар

Корхонанинг тўлиқ номи	«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамияти
Манзили	111708. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Амур Темур кўчаси 107 Б-уй Телефон/факс : +998 78 148 30 00
Банк реквизитлари	х/р 21508000005141951001 Тошкент шаҳар Марказий банк ХК маркази Банк коди 00014, СТИР 306834286 ОКЭД № 64190
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 04 ноябрда Реестр тартиб рақами № 776924 СООГУ - 79994 Давлат ва хўжалик бошқаруви органи Таркибига кирмаган тадбиркорлик субъектлари ОКЭД -64190 «Пул-кредит воситачилигининг бошқа турлари» ОПФ – 153 «Акциядорлик жамияти» СОАТО-1726266 «Тошкент шаҳар Юнусобод тумани»

Таҳлилий қисм

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг 2024 йил учун тузилган «Бизнес режаси» қайта кўриб чиқилиб жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган. Жамиятда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (СМК) баҳолаш бўйича алоҳида низом ишлаб чиқилган бўлиб, жамият Кузатув кенгаши 2020 йил 27 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган. Ушбу низомда жамият ижро этувчи органи фаолияти баҳолаш кўрсаткичлари қуйидагилар этиб белгиланган:

1. Соф фойда (зарар) режасини бажариш
2. Ўртача активлар рентабиллиги (Рентабельность средних активов (ROAA))
3. Ўртача акциядорлик капитали рентабиллиги (Рентабельность среднего акционерного капитала (ROAE))
4. Харажатларнинг даромадга нисбати (Соотношение затрат и Доходов (CIR))
5. Соф фоиз маржаси (Чистая процентная маржа (NIM))
6. Соф барқарор молиялаштириш коэффиценти (Коэффициент чистого стабильного финансирования (NSFR) согласно Базелю III)
7. Ликвидлиликни қоплаш коэффиценти (Коэффициент покрытия ликвидности (LCR))
8. Левераж коэффиценти (Коэффициент левериджа)
9. Капиталнинг етарлилик коэффиценти (Коэффициент достаточности капитала (CAR))
10. Концентрациянинг энг юқори кўрсаткичи (Максимальный размер концентрация)
11. Муддати ўтган кредитлар (Недействующие ссуды (NPL))

2024-йил учун улуш миқдори ва режалаштирилган СМК асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	СМК миқдори	Режада
	А	В	С
Рентабеллик кўрсаткичлари			
1	Соф фойда (зарар) режасини бажариш (млн. сўмда)	15	72 313,30
2	Ўртача активлар рентабеллиги (Рентабельность средних активов (ROAA))	5	>1,95%
3	Ўртача акциядорлик капитали рентабеллиги (Рентабельность среднего акционерного капитала (ROAE))	5	>14,37%
4	Харажатларнинг даромадга нисбати (Соотношение затрат и доходов (CIR))	5	< 25,31 %
5	Соф фоиз маржаси (Чистая процентная маржа (NIM))	5	> 2,74%
6	Соф барқарор молиялаштириш коэффиценти (Коэффициент чистого стабильного финансирования (NSFR) согласно Базелю III)	10	> 100 %
7	Ликвидлилик қоплаш коэффиценти (Коэффициент покрытия ликвидности (LCR))	10	> 100%
8	Левераж коэффиценти (Коэффициент левериджа)	10	> 3,00%
9	Капиталнинг етарлилик коэффиценти (Коэффициент достаточности капитала (CAR))	15	> 10%

10	Концентрациянинг энг юқори кўрсаткичи (Максимальный размер концентрации)	10	< 30%
11	Муддати ўтган кредитлар (Недействующие ссуды (NPL))	10	< 5%

Баҳолаш мақсади учун ҳар бир Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари қабул қилинган мезонларга кўра жамият учун аҳамиятини акс эттирувчи фоиздаги салмоқ ўлчовида прогноз кўрсаткичлари билан ҳақиқий кўрсаткичлар солиштирилди.

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг 2024 йилда ижро этувчи органи фаолияти самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК)ни ҳисоблаш бўйича

ҲИСОБ-КИТОБ

№	Кўрсаткич	Самара дорлик	Режа кўрсаткич		Ҳақиқий қиймат	Бажарилиш фоизи	СМК
1	Соф фойда (зарар) режасини бажариш (млн. сўмда)	15	камида	72 313,30	115 635,25	159,9%	24
2	Ўртача активлар рентабеллиги (Рентабельность средних активов) (ROAA))	5	камида	1,95%	2,56%	131,0%	7
3	Ўртача акциядорлик капитали рентабеллиги (Рентабельность среднего акционерного капитала (ROAE))	5	камида	14,37%	21,04%	146,4%	7
4	Харажатларнинг даромадга нисбати (Соотношение затрат и доходов (CIR))	5	максимал	25,31%	12,89%	149,1%	7
5	Соф фоиз маржаси (Чистая процентная маржа (NIM))	5	камида	2,74%	3,39%	123,6%	6
6	Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (Коэффициент чистого стабильного финансирования (NSFR))	10	камида	100,00%	105,53%	105,5%	11
7	Ликвидлилик қоплаш коэффициенти (Коэффициент покрытия ликвидности (LCR))	10	камида	100,00%	16 168,43%	16 168,4%	1 617
8	Лeverаж коэффициенти (Коэффициент лeverиджа)	10	камида	3,00%	17,25%	575,0%	57
9	Капиталнинг етарлилик коэффициенти (Коэффициент достаточности капитала (CAR))	15	камида	10,00%	183,58%	1 835,8%	275

10	Концентрациянинг энг юкори кўрсаткичи (Максимальный размер концентрации)	10	макси-мал	30,00%	17,01%	143,3%	14
11	Муддати ўтган кредитлар (Недействующие ссуды (NPL))	10	макси-мал	5,00%	-	-	-
Жами:		100				19 538,1%	2 025

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг 2024 йил учун ижро этувчи органи фаолияти самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш натижалари 2 025 баллни ташкил этди.

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг олиб борган фаолиятини **юкори даражада** деб баҳолаймиз.

МЧЖ «RBS IMAN TEAM»

АТ аудитори:



М.Б. Умматов

Аудиторнинг квалификация сертификати
№ 05738 14.10.2021 йили берилган.

24 март 2025 йил